

Барқамол шахс тарбиясида миллий халқ ўйинларининг тарбиявий аҳамияти

Жамият тараққиёти, Ватан равнақи унинг аҳолиси саломатлигига, халқнинг турмуш даражасига, ишлаб чиқаришнинг ривожланганлигига, фан ва техника тараққиётига ва инсонларнинг онгли фаолиятига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Соғлом авлодни шакллантириш ва тарбиялашнинг ранг-баранг йўл-йўриқлари, усуллари бўлиб, уни амалга ошириш йўллари ва омиллари ҳам кўп. Айниқса, болаларнинг бўш вақтини тўғри ва мазмунли ташкил этиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғуллантириш ҳамда уни кундалик эҳтиёжга айлантириш, турли миллий ҳаракатли ўйинларни ўргатиш, улар онгида соғлом турмуш тарзи ҳақида муҳимдир. Юқорида санаб ўтилган вазифаларни хал этиш бугунги кундаги олдимизда турган энг асосий ва муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Президентимиз шу муаммони давр талаби асосида ҳал қилишга алоҳида эътибор бериб, ёшларнинг бўш вақтини ташкил этишнинг шу жумладан, оммавий спорт ва жисмоний тарбия, туризмнинг, спортнинг бошқа миллий турлари ва шаклларини тиклаш ҳамда амалиётга жорий этиш айниқса, халқ миллий ўйинларидан жисмоний тарбия жараёнида самарали фойдаланиш фикрини илгари сурди. Зеро, халқ миллий ўйинлари халқ қадириятларига даҳлдор бўлиб, уларни йиғиш, бойитиш ва болаларга тақдим этиш соғлом авлодни тарбиялаш йўлидаги муҳим ва зарурий вазифалардан биридир. Халқ миллий ўйинлари асрлар давомида ривожланиб, такомиллашиб, эъзозланиб келинган. Улар болаларни бўш юрмай фойдали машғулотларга ўрганишлари, соғлом ўсишлари, қатъиятли бўлишларига ёрдам берган.

Инсонларнинг ҳар бир амалий ҳаракатида (юриш, югуриш, сакраш, юк кўтариш ва х.к), айниқса, жисмоний машқларни бажаришда маълум даражада жисмоний ривожланишни ёки бу кўриниши, жисмоний сифатларни белгилайди.

Бундай амалий ҳаракат фазилатлари меҳнат, жисмоний машқлар, спорт турлари, ҳаракатли ўйинлар орқали тарбиялаш натижасида бир мунча такомиллашган, ривожланган бўлади.

Бу жиҳатлар ўзбек миллий ўйинлари ва ҳаркатли ўйинларида ҳам мужассамлашган, от ўйинлари, баъзи бир ҳаракатли ўйинлар (“Чиллик”, “Минди”, “Бўрон”, “Отиб қочар”, “Пода тўп” ва ҳоказо) замонавий спорт турларининг мазмуни, шакли, бажарилиш усуллари ва тарбиявий жиҳатлари билан тенглаша олади, ҳатто устунлик қилиши ҳам мумкин.

Халқ миллий ўйинларининг барча турларида чаққонлик, эпчиллик, жасурлик, пахлавонлик, мардлик каби жисмоний сифатлар ва инсоний фазилатлар тўла мужассамлашган.

Мустақилликка эришганимиздан кейин миллий қадриятларимиз хисобланган миллий халқ ўйинларимизни тиклаши йўлида бир қанча олимларнинг (Т.С.Усмонхўжаев, Р.Абдумаликов, К.Д.Ярашев, У.Қорабоев ва бошқалар) сайи ҳаракатлари натижасида унутиб борилаётган халқ миллий ўйинларимиз тикланди.

Шунингдек, А.К.Атоев, О.Р.Тоймуродов, Ф.А.Керимов, Ф.Н.Насритдинов ва бошқа мутахассис олимларнинг илмий тадқиқотлари, ўқув-услубий қўлланмаллари, илмий мақолаларида кураш, от ўйинлари ҳаракатли ўйинлар ва турли хил миллий тадбирларнинг таълим-тарбиядаги ўрни ва амалий моҳиятлари кенгроқ ифода этилган. Уларнинг таъкидлашича, ёш болаларнинг очик ҳавода қувлашиб ўйнаши, кураш тушиши, ҳар миллий ҳаракатли ўйинларни мириқиб, қизиқиб бажаришларига асосий сабаб шундаки, юртимизда олиб борилаётган жуда кўп ва хилма-хил миллий байрамлар, тантанали, анъанавий удумларнинг ижобий таъсиридир.

Боғча болалари, кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари билан миллий ўйинларнинг элементлари, ҳаракатли ўйинларнинг мақсадли ташкил қилиниши натижасида уларнинг онгига миллий қадриятларимиз тобора сингдирилмоқда. Натижада таълим-тарбия жараёнларида миллий ўйинлар тобора сингиб, кенг қўлланиш имкониятлари яратилмоқда. “Наврўз”, “Мустақиллик куни”, “Хосил байрами” каби нуфузли байрамларда миллий

ўйинларимиз (арқон тортиш, билак кучини синаш, от ўйинлари, хўроз, қўчкор уриштириш) кенг оммалашиб бормоқда. Ҳатто чет элликларда ҳам қизиқиш уйғотмоқда.

Юртимизда халқ миллий ўйинларимизга кенг эътибор бериб келиниши уларнинг мазмунида миллий қадриятлар, ғуур, ифтихор, мардлик, меҳнатсеварлик, дўстлик, ўзаро ёрдам, ватанга садоқат каби ҳис-туйғулар, фазилатлар тўла мужассамлашган. Бу хислатларни кенг ёйиш, аҳоли ўртасида, айниқса, ўқувчи-ёшларга чуқурроқ сингдириш билан бир қаторда вилоятимизда унитилиб борилаётган миллий ўйинларимизни тиклаш ҳар биримизнинг бурчимиздир.